

№01-03/1-189

3.02.2021.

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикасининг



А. Арипов
2021 йил № 23 февраль

**Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш
Б А Ё Н И № 12**

2021 йил “ 2 ” февраль

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Қатнашдилар: – Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирининг ўринбосари
Ш.М. Ғаниев
кун тартибидаги масалага алоқадор
вазирлик ва идоралар раҳбарлари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Қишлоқ хўжалигида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни молиявий
қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш
чора-тадбирлар тўғрисида**

*(Арипов, Ғаниев, Ходжаев, Хамраев, Ииметов, Норқулов, Хусанов, Норқобилов, Бакиров, Шаритов,
Хаитов, Вахабов, Хайдаров, Маматқулов, Арипов)*

Жорий йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири – уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштириш эканлиги таъкидланиб, шу пайтгача ишсиз аҳоли ва бўш иш ўринлари ўзаро уйғунликда кўриб чиқилмагани танқид қилинди.

Масалан, Тошкент шаҳрида 26 минг ёш ишсизлиги ва аynи пайтда бу ерда 77 мингта вакант борлиги, шундан 45 мингтасига олий маълумот талаб этилмаслиги айтиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари ёшларни касбга ўқитиш орқали

малака тоифасини бериб, шундай вакант ўринларга жойлаштириш мумкинлигини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшларнинг мини-технология ва ускуналар харид қилиши учун субсидия ажратиш, кредит олишда суғурта тўлови бўйича кўмаклашиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандликни таъминлашда энг катта захиралардан бири деҳқончилик қилиш учун ер ажратишдир. Лекин, ўтган йили бу борада мурожаат қилган 14 минг нафар ёшдан атиги 3 мингига ер берилганлиги танқид остига олинди.

Шу сабабли, йиғилишда жойларда ҳар 10 гектар экин еридан 1 гектарини ёшларга деҳқончилик учун ажратиш тартибини жорий этиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, сув таъминоти оғир ҳудудларда суғориш қудуқларини қазиб, захира ерларни ёшларга фойдаланиш учун бериш, томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик қилишлари учун кредитлар ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қобилиятини юзага чиқариши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “**Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**”да қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш билан бирга ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини ошириш ва даромад манбаи билан таъминлаш бўйича ишларни кучайтириш мақсадида йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М. Мирзиёев раислигида 2021 йил 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши топшириқлари **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ўртасида ишсизлик даражасини камайтириш ва уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали реал даромадларини оширишга қаратилган Ёшларни қишлоқ хўжалигида бандлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари **уч кун муддатда:**

қишлоқ хўжалигида ёш талабгорларга ажратиладиган ерлардан самарали фойдаланиш, экспортбоп ва сердаромад экинларни етиштириш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ва уларнинг ишларини доимий